



“Тарих тезлашмоқда” деган гап билан бошлайди. У “келажак ёки кечадир”, деб таъкидлайди [1;131].

Ғарбий ва Шарқий Европа муносабатларининг ўзгариши, АҚШ, Европа ва Япония ҳукмфармонлиги, янги дунёвий тартиботнинг қайси асосларда шаклланиши ҳақидаги фикрларини мухтасар қилган. Унинг фикрича, ХХІ асрда Япония ва Европа АҚШдан дунёвий иқтисодий ҳукмфармонлик бўйича ўзиб кетади. Буни у АҚШ жамиятининг ўзгариши, ривожланиши ва сиёсий масалалари билан, дунёдаги ўзгарувчан, “кўчманчи минтақа”лар, инсон, пул, маълумот, маҳсулот атамалари билан боғлайди. Бу ерда у “номадик объект”, “номадик инсон”, “бой номадлар”, “камбағал номадлар” каби сиёсий атамаларни илк бора ишлатади. Таъкидланган атамалар каби “Номадик объект”, “Номадик инсон”, “номадик инсон паспорти”, “коммуникацион тўнтариш” каби сиёсий атамаларни ҳам илк бора илмий-сиёсий муомалага жорий этади. “Номадик” дегани “кўчманчи”дир. *“Пул, маълумот, маҳсулотлар ва халқ дунё бўйлаб бош айланувчи, қисқа муддатда кезишлари мумкин”* [1;4].

Ж.Аттали ўз геоиқтисодий концепциясини қуйидаги асосий хулосасида таъкидлаган: *“Худди барча кўҳна тамаддунлар каби, қайсики у табиат ва ўзга кишилар хавфи остида ўрнатилган эди, келаятган янги тартибот куч (ишлатиш)ни бошқаришига асосланади. Олдинги тартиботларга қарамасдан, демак, қайсики дастлаб дин орқали, ва кейин ҳарбий куч билан бошқарилди, янги тартибот эса кўпроқ иқтисодий ҳокимият кучи билан бошқарилади”* [2;499].

Янги иқтисодий тартиботни, Ж.Аттали хулосасига кўра, Дэниел Белл ишлатган “постиндустриал” жамият (саноат хизмат кўрсатиши асосига қурилган) эмас, балки, *“гиппериндустриал” жамият – бундай жамиятда хизмат кўрсатиши омманинг кенг истеъмол моллари ишлаб чиқаришига ўзгаради, деб, асослайди* [1;5]. Микрочипга асосланган технологиялар, гўё транзистор ва компьютер каби, кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган саноатлашган – коммуникациядан таълимгача, соғлиқни сақлаш ва

хавфсизликкача бўлган хизматларга йўл очмоқда. Ушбу ерда у “*номадик объект*” атамасини ҳужайра телефон, кўлда кўтариб юриладиган компьютер, факс машинасини таъкидлайди ва уларни “*келажак объектлари*” деб айтайди.

Ж.Аттали шарқ ва ғарб масаласига ҳам алоҳида эътибор беради. Унинг фикрига кўра, шимол бозорлари жануб учун ёпикдир, бу экспорт масаласи ҳақидадир.

*Бундан ташқари, иқтисодий ўсишни ижтимоий адолат билан қандай мувозанатлаштириши мумкин? Ж.Аттали геоиқтисодий концепциясининг моҳиятини қуйидаги саволга жавоб топиш деб билади: “Жавоб берилиши лозим бўлган савол моҳияти қуйидагича – Қайси минтақа ёки пойтахт (дунё иқтисодиётининг) марказ бўлишини Ким ҳал қилади?!” [1;11].*

Индустриал ишлаб чиқариши бозор, нарх қиёфа ва маълумотни белгиласа, унда жануб ва шимол муносабатлари қандай кўринишда бўлади каби кўплаб масалалар ҳам атрофлича кўриб чиқилган. Бу ерда кишиларнинг кўчиши ҳақида ҳам гап боради. Ж.Аттали “халқларнинг кўчиши аллақачон бошланган” деб таъкидлайди ва бунда туркларнинг Берлинга, марокколикларнинг Мадридга, ҳиндларнинг Лондонга, мексикаликларнинг Лос-Анжелесга, пуэрто-риколикларнинг Гаити ва Нью-Йоркка, вьетнамликларнинг Гонгконгга кўчишини таъкидлайди [1;9].

Ж.Аттали геоиқтисодий концепциясининг энг муҳим камчилиги шундаки, у янги шаклланаётган дунё тартиботини иқтисодий омиллар билангина ўлчайди. Ваҳоланки, сиёсатнинг ўзи кўп нарсани белгилайди, Сабаби, маълумот, пул, нарх, маҳсулот, техник тараққиёт ёки умуман, техника каби тушунчалар ҳокимият белгиловчи бўлиб қолса-да, аниқ бир белгиланган ёки танланган давлат ичидагина мавжуд бўлиши мумкин. Ж.Аттали ўзининг прогнозларини аямай ёзади, кўп ҳолларда нотўғри ёндашувларни ҳам илгари суради. Масалан, Ж.Аттали фикрига кўра, “агар шимол ўзининг аҳволига пассив ва бепарво қолдиқлар сифатида қараса ва хусусан агар Шарқий Европа Ғарбий тантилиқнинг бутун қудрати устидан

равнақнинг марказига айланса, жанубга ғамхўрлик кўрсатилмаса, перифериядаги халқлар муқаррар равишда тўнтаришга ва бир куни урушга киришади” [1;29].

Бу масалани Ж.Аттали шимолнинг жануб бўйлаб янги Берлин деворини қуришга ўхшатади. Ҳозирги замонда исталмаган урушнинг хоҳлаган пайтда юз бериши мумкинлигини ёзади ва у қора аср деб аталган VIII–IX асрни Европа *варварлик ҳаракати*га ўхшатади [1;14]. Аммо тарихнинг кўрсатишича, жануб деб номланган ноғарбий халқларнинг бирортаси шимол деб аталган ғарб ерларига уруш байроғини кўтариб борган эмас. Аксинча, Осиё, Африка ва Лотин Америкаси ҳудудларидаги давлатларнинг қудратли бўлиш йўлидаги ҳаракатлари амалда қудрат эгаси бўлган ғарб ёки шимол давлатларининг сиёсий-тактик фаолияти билан синдирилди. Ироқда С.Хусайн “Саҳро уруши»да ғолиб давлат раҳбари сифатида танилди, эвазига эса АҚШ бошчилигидаги халқаро коалиция томонидан Ироқ қудрати сўндирилди, С.Хусайн эса халқаро трибуналга тортилди ва осилди. Ҳар қандай (халқаро) сиёсат белгиланган душман ва потенциал душманни бутунлай маҳв этмагунча тўхтамайди. Ироқ давлати ёрқин мисолдир – кичик Ж.Буш Ироқни бомбардимон қилди, электрон бомбалар ишлатилди, Ироқ миллий қудратининг асоси бўлган нефть бурғулари ўт ичида қолди.

Бундай сиёсатни Б.Обама бошчилигидаги янги Афғон стратегиясидан ҳам кўриш мумкин. У Ироқдан ўз ҳарбийларини олиб чиқиб кетгани учун Нобель мукофотига сазовор бўлди. Унинг тинчлик учун бирор-бир иш қилгани кўзга кўринарли эмас – унинг Нобель мукофотини олгани ажабланарлидир. Савол туғилади: Ироқ, Афғонистондаги урушлардан мақсад нима эди?! Ироқ ўзини миллий давлат сифатида англагани ёки Афғонистон ўз ҳудудида тинчлик ўрнатмаганими?! Мақсад нима?! Хавфсизлик омили дейилса, унда АҚШ учун Лотин Америкаси лидер давлати Бразилия хавф туғдириши керак эди.

Энергетика сиёсатими?! Унда Афғонистонда қандай энерго-стратегик ресурс бор эди?! Урушнинг маъниси нима?! Демак, англаш қийин эмаски, биринчидан, ўзини англаган миллат қудратли давлат учун ҳар доим хавф манбаидир; иккинчидан, сиёсат, ҳар қандай сиёсатнинг жўн кўриниши ёки тинчликни бузиш ёхуд тинчликни муқаддас деб эълон қилиб, тинчликни ўрнатишга интилиш; ёки нотинчлик ҳолатидан фойдаланиб ўз сиёсий манфаатларини ўрнатишга интилишдир. Сиёсат учун ҳар қандай тинчлик ҳолати ҳам, уруш ҳолати ҳам, ёки уруш ва тинчлик дилеммаси ҳам ҳар доим сиёсий фаолият асоси бўлиб келган. Сиёсат учун ҳар доим баҳона етарлидир. Бундан ташқари, ўзини қудратли деб билган (давлат) кимга ўз қудратини кўрсатади?! Эртага нима ҳол бўлади?! Ожиз, қудратли деган тушунча йўқ, сиёсат бор, ҳолос. Ҳар қандай сиёсатни енгишнинг ягона йўли эса ўзни биологик организм сифатида сақлаб қолиш, миллий ва ўзликни ёт сиёсатдонлардан ҳимоя қилишдир. Мудофаа миллий бўлиши керак, деб таъкидлаган эди Шарл де Голл. Айни пайтда сиёсат юритувчи ўз стереотиплари, ўз “қадриятлари”, ўз “дунёқараши”, ўз “ҳаёти”ини бошқа сиёсатдонга сингдириш, ўрнатиш, қарор топтиришга бор «салоҳият»и билан киришса, бунда ҳимоянинг ягона йўли миллийлик ва миллий ўзлик бўлиб қолаверади.

Сиёсат ўзгарувчан ҳодисадир. Аммо миллийлик ва миллий ўзлик бунинг зиддидир. Ҳар қайси биологик организм ўз ҳоли (ўз биологияси, ўз руҳи, ўз аҳволи – турмуш тарзи) билан, ўз ҳолида мустақилдир. Шу сабабли, ҳам озодлик ғояси ҳар доим биологик организмнинг яшаб қолишини белгиловчи ягона асосдир. Барча муносабатларни шу ердан излаш лозим, шу ердан англаш лозим. Агар дарахт эгри ўсса, унга шакл бериш мумкин, аммо чопиб ташлансачи, унда дарахт қандай қилиб мавжуд бўлиши, ўсиши ёки нафас олиши мумкин!? Ҳамма гап шунда. Биологик организм ўз ҳолида озоддир. Кўчатни пайвандлаш мумкин, аммо ҳар йили ўзга ерга ўрнатиш мумкин эмас – бунда кўчат ўсишдан тўхтайтиди, мева тугмайтиди, мавжудлиги

соя остида қолади. Шунинг учун ҳам мустақиллик яшаб қолишнинг сўнгсиз манбаидир.

Энг муҳими, озодлик бўғилмасин. Демак, шаклланаётган янги дунё тартиботида шимол ва жануб таснифларида, фақатгина миллийлик, миллий ўзлик, озодлик ғояларигина мавжуд бўлиши мумкин, қолган барча ғоялар, сўзлар эса маънисиздир.

Шундай қилиб, Ж.Атталининг таъкидланган тезиси, яъни “агар шимол ўзининг ахволига пассив ва бепарво қолдиқлар сифатида қараса ва хусусан, агар Шарқий Европа Ғарбий тантилиқнинг бутун қудрати устидан раванқнинг марказига айланса, жанубга ғамхўрлик кўрсатилмаса, перифериядаги халқлар муқаррар равишда тўнтаришга, ва бир куни урушга киришади” дегани, асоссиздир. Буни юқорида исботлаб бердик. Дунёвий тартибот ҳақида фикр юритилса, балки, Ж.Атталининг «Ҳеч қандай тартиб тартибсизликсиз эмас» [1;15] хулосаси ўринлидек туюлар. Аммо тартибот ҳар доим, деярли ҳар доим ҳуррият билангина ўрнатилади. Ж.Аттали ёзади: “Мен шундай хулоса қилдимки, дунёвий тартиботнинг юзага келиши, худди олдингилари каби, ҳаёт ва тарихнинг қонунлари орқали бошқарилган” [1;20]. Ж.Аттали инсоният ривожланишининг охириги 10.000 йиллик тарихи бўйича шундай хулоса қилади: бу ерда таъсирни бошқаришнинг учта: а) диний;б) ҳарбий ва; в) иқтисодий йўли мавжуд эди. Биринчиси, инсон ва табиат муносабатларида ўлим ҳолати билан, иккинчисидан ижтимоий шакллар ўртасидаги муносабатлар, ва учинчиси, ижтимоий шакллар ичидаги муносабатлар билан боғлиқ. Ушбу тартиботларни яна муқаддаслик, қудрат ва пул тартиботлари деб ҳам аташ мумкин.

*“Ҳокимиятнинг функционал трилогияси бугун бизга қолмоқда”.* Ж.Аттали ушбу концепциясида фақатгина пулнинг аҳамиятини кўрсатади, уни кишилар муносабатлари, давлатлар, минтақалар ва дунёвий тартибот даражасида кўриб чиқади. Масалан, Ж.Аттали куйидагиларни таъкидлайди: “Агар Америка иқтисодий таназзули жиддий, аниқ ҳаётий бўлса, Европа қийналади. Аммо агар Ғарбий Европа Шарқий Европани ўз ривожланиши

билан боғласа, интеграциялашган Европа дунё иқтисодиёти маркази ролини қабул қилиш имконига эга бўлади. Бу эса, ўз навбатида, энг аҳолиси кўп, энг бой ва энг бунёдкор ривожланувчи дунёнинг марказига айланиши мумкин” [1;21]. Ж.Аттали ўз фикрида давом этиб қуйидагиларни таъкидлайди: “Агар шундай бўлмаса, (дунёнинг – *таъкид бизники*) янги маркази Япония бўлиши мумкин – ўша орол миллати дунёвий валюта, саноат ва ҳатто маданий ҳокимият жиҳатидан ўзига жалб этадиган зарур омилларни мужассамлаштиради.

Япония Америка ва Европадан бир қанча устунликка эга: бу ерда бирор ерда бўлмагани каби, юқори технология асосида ишлаб чиқарилган оммавий маҳсулот, истеъмол маҳсулотлари ривожлантирилди; бу ерда умумий эҳтиёждан келиб чиқиб, равон ягона давлат ва саноати мавжуд, бозор улуши давом эттирилган ва тараққий топган”. Ж.Аттали бу ерда маҳаллий маданий анъаналар маҳорат даражасида юксак қарор топганлиги, ўз халқида ҳамжиҳатлик (консенсус) яратилганлиги хаёлни банд қилишини таъкидлайди.

Ж.Аттали инсоният тарихини ўрганиб, XIII асрдан XX асргача шаклланган 8 та бозор шаклини алоҳида ажратиб кўрасатади:

1. Брюге (1300);
2. Венеция (1450);
3. Антверпен (1500);
4. Генуя (1550);
5. Амстердам (1650);
6. Лондон (1750);
7. Бостон (1880) ва
8. Нью-Йорк (1930).

Дунёвий иқтисодий тартибот масаласида Ж.Аттали Европа ва Японияни келажак эгалари сифатида кўради: у Европа ва Японияда триумфал 9-бозор шаклининг янги маркази жойлашувини кўришни прогноз қилади [1;38]. Ж.Аттали фикрига кўра, шаклланаётган янги дунё тартиботи ушбу 9-бозор жойлашган марказга тааллуқли бўлиши керак, дейди ва бунинг омили сифатида технология ва микрочипни кўрсатади [1;27].

Ж.Аттали концепциясининг таҳлили шуни кўрсатадики, у Европа ва Японияни дунё иқтисодий тартиботини белгиловчи куч марказлари сифатида кўради ва унинг назарида, Тинч океани қирғоқлари ва Японияда қуйидаги

саволларга жавоб топилиши зарур: “Ким ҳукмрон валютага эга бўлади?! Ким мудофаани ҳимоя қилади?! Қаерда асосий молиявий бозор жойлашади?!” [1;31].

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Jacques Atalli. Millennium. Winners and Losers in the Coming World order. – New York, 1991. – 131 б.
2. English – uzbek dictionary. инглизча – ўзбекча луғат. Иккинчи нашри. – Toshkent: VECTOR – PRESS, 2009. – 499 б.